

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича Е-полис (электрон полис)ни онлайн рўйхатдан ўтказиш шартларига мувофиқ
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

Ушбу оммавий оферта (кейинги ўринларда - Оферта) «NEO INSURANCE CORP» Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Сұғурталовчи) билан сұғурта қилдирувчи ўртасида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш (кейинги ўринларда - ТВЭФЖМСК) бўйича Е-полисни (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш (шартнома тузиш ва бекор қилиш) тартиблари ва сұғурталаш шартларини белгилайди.

Мазкур оферта Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Электрон тижорат тўғрисида» ги, «Электрон хужжат айланиши тўғрисида» ги, «Сұғурта фаолияти тўғрисида» ги Конунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 780-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича Е-полисни сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш» қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш» қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

I. Умумий шартлар ва тушунчалар

1. Ушбу офертада қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Е-полис - транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича электрон шаклда тузилган сұғурта шартномаси;

Сұғурта ҳодисаси - Е-полисга кўра транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган, сұғурта қилдирувчининг сұғурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган зарап бўйича жавобгарлиги сұғурта қилинган, сұғурта қилдирувчи ёки бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши;

Сұғурта пули - сұғурталовчи сұғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган заарнинг ўрнини унинг доирасида жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки хуқуқий ворисига) қоплаш мажбуриятини олади;

Сұғурта мукофоти - сұғурта қилдирувчи Е-полисни сотиб олиш учун сұғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

Сұғурта товони - сұғурталовчи Е-полисга мувофиқ сұғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчига унинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига сұғурта пули доирасида тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

Ягона ахборот тизими - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашган, мажбурий сұғурта қилиш бўйича онлайн тартибида фаолият юритувчи ягона ахборот тизими;

Транспорт воситасининг эгасининг яқин қариндошлари - транспорт воситаси эгасининг транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқариш учун нотариал тасдиқланадиган ишончнома расмийлаштирилиши талаб қилинмайдиган яқин қариндошлари (**ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар**).

Расмий веб-сайт ва мобил иловадан фойдаланиш – сұғурта қилдирувчининг ундан фойдаланишга қаратилган ҳар қандай ҳаракати.

2. Офертанинг амал қилиш ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси.

3. Хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик фойдаланилаётган транспорт воситаларининг эгалари мазкур оферта тарафи бўлиши мумкин эмас.

4. Расмий веб-сайт ва мобил иловадан фойдаланишда даставвал, Сұғурта қилдирувчи оферта шартлари билан тўлиқ танишиб чиқиши лозим. Агар Сұғурта қилдирувчи оферта шартларига ёки унинг баъзи қисмларига рози бўлмаса, у расмий веб-сайт ёки мобил иловадан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Сұғурта қилдирувчининг расмий веб сайт ёки мобил иловадан билдиради.

II. Е-полисни расмийлаштириш

5. Е-полисни расмийлаштириш сұғурталовчи расмий веб-сайтининг мажбурий сұғурта учун

мўлжалланган қисми ёки унинг мобил иловаси, телеграм-бот ва/ёки электрон тўлов тизими орқали амалга оширилади.

6. Е-полисни расмийлаштириш учун сұғурта килдирувчи ҳар бир транспорт воситаси бўйича Е-полисни расмийлаштириш тўғрисидаги электрон аризага қўйидаги маълумотларни киритади:

сұғурта килдирувчининг ва/ёки транспорт воситасини бошқаришга ваколат берилган жисмоний шахсларнинг (транспорт воситасини бошқаришга фақат муайян шахсларга рухсат берилиши шарти билан Е-полис расмийлаштирилган тақдирда) шахсий идентификация рақамини ва шахсини тасдиқловчи хужжатнинг серияси, рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (юридик шахс учун);

транспорт воситаси эгасининг шахсий идентификация рақами ва шахсини тасдиқловчи хужжатнинг серияси ва рақами (агар транспорт воситаси мулкдори бошқа жисмоний шахс бўлса);

электрон почта манзили (мавжуд бўлса);

мобил телефон рақами;

Е-полис расмийлаштирилаётган транспорт воситасининг давлат рақами белгиси ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг серияси ва рақами;

агар сұғурта килдирувчи қонунчилликка асосан сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига кирса, мажбурий сұғурта бўйича сийловлар мавжудлиги тўғрисида белги қўйиб, юқоридаги тоифага тегишлилигини тасдиқловчи хужжатларнинг (гувоҳнома, маълумотнома) тегишли рақамлари;

транспорт воситаси эгасининг ихтиёри билан мазкур транспорт воситасидан фойдаланиш ва уни бошқаришга қўйилган яқин қариндошларнинг (ота, она, эр (хотин), ўғил, киз, ака, ука, опа, сингил) қариндошлик даражасини тасдиқловчи хужжатларнинг тегишли рақамлари;

транспорт воситасининг рўйхатдан ўтган жойи;

сұғурта муддати (1 йил, 6 ой ёки ундан ортиқ (ТВдан мавсумий фойдаланишда), 10 кун ёки ундан ортиқ (рўйхатдан ўтиш жойигача);

Е-полис расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарномани юбориш шакли (телефон рақам ёки электрон почта манзили ёки сұғурталовчи веб-сайтида (мобил иловаси орқали) очилган шахсий кабинети орқали).

Бунда тегишли маълумотлар ягона ахборот тизимида мавжуд бўлганда автоматик тарзда тўлдирилади.

7. Электрон ариза тўлдирилаётган вақтда Ягона ахборот тизими қисман ёки тўлиқ ишламаганда, яъни давлат ахборот базалари қисман ишламаган ва/ёки улар билан алоқа узилган тақдирда, сұғурта килдирувчи аризадаги қолган маълумотларни қўлда киритади ёки хужжатларни илова қиласди.

8. Электрон ариза тўлиқ тўлдирилгандан сўнг сұғурта килдирувчи томонидан юбориш тутмаси босилади.

9. Сұғурталовчининг маъсул ходимлари томонидан юборилган электрон аризидаги маълумотлар бир иш куни ичida тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилиб, сұғурта килдирувчига сұғурта мукофотини тўлаши мумкинлиги ёки маълумотларни қайта тўғирланиши тўғрисида хабарнома юборилади. Агар сұғурта килдирувчи томонидан ариза берилган санадан бошлаб 24 соат давомида маълумотлар қайта текширилмаса ва/ёки тўғриланмаса, унда сұғурта ташкилоти Е-полисни расмийлаштириш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш имконияти йўқлиги тўғрисида сұғурталовчининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси ёки SMS - хабар орқали сұғурта ташкилоти сұғурта килдирувчини хабардор қиласди

10. Сұғурта килдирувчи сұғурта мукофотини тўлаши мумкинлиги тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг 24 соат мобайнида сұғурта мукофотини электрон тўлов тизимлари орқали, нақд пулда, пул ўтказиш йўли билан (юридик шахслар) тўлаши лозим.

Сұғурта мукофоти Е-полисда назарда тутилган тўловдан камрок микдорда тўланган бўлса, сұғурта ташкилоти сұғурта мукофотининг тўланмаган қисми, сұғурта килдирувчи томонидан 72 соат муддатда тўланиши зарурлиги тўғрисида дарҳол хабарнома юборади.

11. Сұғурта мукофоти тўланганлиги факти ушбу Оферта Сұғурта килдирувчи томонидан акцепт қилинганлигини англатади.

12. Е-полис Сұғурта килдирувчи томонидан Сұғурта мукофоти тўланган пайтдан кучга киради. Агар Е-полисда сұғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, мажбурий сұғурта электрон шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган сұғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

13. Сұғурта мукофоти тўлиқ тўлангандан кейин Е-полис расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарнома сұғурта қилдирувчи томонидан танланган шаклда юборилади ва у куйидагиларни ўз ичига олади:

сұғурта ташкилотининг номи;
транспорт воситаси русуми ва давлат рақами белгиси;
сұғурта мукофоти миқдори;
Е-полиснинг амал қилиш муддати;
Е-полиснинг ноёб рақами;
Ягона ахборот тизимиға ҳавола.

14. Сұғурта қилдирувчи Ягона ахборот тизимиға ҳавола орқали ўтиб, Е-полисни юклаб олиши мумкин.

ДИҚҚАТ!

15. СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ ЎЗИ ТОМОНИДАН ЭЛЕКТРОН ПОЛИСНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАЁТГАН МАЪЛУМОТЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР ХИСОБЛАНАДИ.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

16. Сұғурта қилдирувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

сұғурталовчидан Е-полис тўғрисида тушунтириш беришни талаб қилиш;
расмий веб-сайт ва мобил иловадан исталган пайтда фойдаланишини тўхтатиши.
мажбурий сұғуртани амалга оширувчи сұғурталовчини танлаш.

Сұғурта қилдирувчи:

белгиланган тартибда ва муддатда Е-полис бўйича ўзига юклатилган мажбуриятни бажариши;

Е-полис бўйича сұғурта мукофотини белгиланган шартлар асосида ва тартибда тўлаши шарт.

17. Сұғурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

жабрланувчи (унинг меросхўрлари ёки ҳукукий ворислари)нинг аризасини кўриб чиқишида тегишли эксперtlарни жалб этиш;

сұғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотларни текшириш, сұғурта шартномаси талаблари ва шартларининг сұғурта қилдирувчи томонидан бажарилишини назорат қилиш;

сұғурта ҳодисалари юзага келишининг олдини олиш бўйича тавсиялар бериш.

қонунда белгиланган ҳолатларда тўланган сұғурта товонини регресс тартибида тўлаб берилишини талаб қилиш;

Сұғурталовчи:

сұғурта қилдирувчига интернет-ресурсидан туну кун тўсиқларсиз фойдалана олиш имкониятини яратиши;

сұғурта қилдирувчининг ва (ёки) жабрланувчининг сұғурта тўлови ва (ёки) товонини тўлаб беришни сўраб сұғурталовчига қилган мурожаатини кўриб чиқиши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган сұғурта қилдирувчи ва жабрланувчи тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаши шарт.

18. Расмий веб сайт ёки иловадан фойдаланиш имконияти фақатгина Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш имкони бўлгандагина вужудга келади. Шу сабабли, сұғурта қилдирувчи Интернетга белгиланган тартибда уланиш чораларини мустақил кўриши лозим.

19. Сұғурталовчи куйидаги заарлар учун жавобгар эмас:

сұғурта қилдирувчи олдида расмий веб-сайт ва мобил иловадан фойдаланиш билан боғлиқ заарлар учун;

расмий веб-сайт ва мобил иловадаги маълумотлар сұғурта қилдирувчи томонидан учинчи шахларга берилиши оқибатлари учун;

сұғурталовчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, расмий веб-сайт ва мобил иловадан фойдалана олмаганлиги ва хизматлар кўрсатилмаганлиги учун.

20. Жабрланувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

сұғурта тўлови ва (ёки) товонини тўлаб беришни сўраб сұғурталовчига мурожаат қилиш;

сұғурталовчининг сұғурта тўлови ва (ёки) товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори



**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича Е-
полисни (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш
шартлари юзасидан**

4-бет 5 бетдан
31.07.2023й.

устидан судга шикоят қилиш.

қонун хужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда сұғурта тўлови ва (ёки) товонини олиш.

IV. Е-полисни ўзгартириш ва муддатидан олдин тугатиш

21. Е-полисни амал қилиш муддати қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин тугатилади: транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

Е-полисда кўрсатилган транспорт воситаси бундан бўён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

транспорт воситасининг мулкдори ўзгарганда.

22. Е-полиснинг амал қилиши муддатидан олдин тугатилган тақдирда, сұғурта мукофотининг бир қисми тўланган товоң суммасига ва Е-полис амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади.

23. Сұғурта қилдирувчига (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, хукукий ворислари) сұғурта мукофотининг бир қисмини қайтариш сұғурта қилдирувчи (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, хукукий ворислари) тегишли тартибда мурожаат қилган кундан бошлаб 14 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

Бунда сұғурта қилдирувчига қайтарилиши лозим бўлган сұғурта мукофотининг бир қисми сұғурта қилдирувчининг аризасига мувофиқ янги расмийлаштирилган Е-полис бўйича сұғурта мукофоти ҳисобига ўтказилиши мумкин.

V. Сұғурта ҳодисаси содир бўлганда шахсларнинг ҳаракатлари

24. Жабрланувчиларга заар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) иштироқчиси бўлган сұғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги Е-полисга мувофиқ сұғурталанган бошқа шахс) жабрланувчи(лар)нинг талабига кўра унга ТВЭФЖМСҚ бўйича Е-полиси тўғрисида маълумот бериши зарур.

25. Сұғурта қилдирувчи сұғурта ҳодисаси содир бўлганда қўйидагиларни амалга ошириши зарур:

жабрланувчига ЙТХ кунидан бошлаб уч календарь кундан кечиктирмай сұғурта полисининг нусхасини топшириши;

дарҳол, ЙТХдан кейин 72 соатдан кечиктирмай, содир бўлган ҳодиса ҳақида сұғурта полисининг нусхасини илова қилган ҳолда сұғурталовчига мурожаат қилиши;

сұғурталовчига сұғурта ҳодисаси муносабати билан унга нисбатан қўйилаётган барча талаблар хабардор қиласи.

VI. Сұғурта тўлови ва (ёки) товонини тўлаш

26. Е-полис бўйича жабрланувчи ёки сұғурта қилдирувчининг ҳоҳишига биноан (сұғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш ҳолларида) сұғурта ҳодисаси рўй берганлиги тўғрисида билдиришнома юбориш, етказилган заар миқдорини аниқлаш, сұғурта тўловларини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июнданги 141-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш Коидаларида белгиланган хужжатларнинг электрон ёки сканерланган нусхаларини сұғурталовчининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсидаги жабрланувчи ёки сұғурта қилдирувчининг (сұғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш ҳолларида) сұғурта ташкилотига юборишига ҳақли.

27. Агар сұғурта ҳодисаси рўй берганлигини ва сұғурта қилдирувчи томонидан етказилган заар миқдорини тасдиқловчи хужжатлар етарли бўлмаса, сұғурталовчи бу тўғрисида ушбу хужжатлар олинган кундан бошлаб уч иш куни ичida, етишмаётган ва (ёки) нотўғри расмийлаштирилган хужжатларнинг тўлиқ рўйхатини кўрсатган ҳолда жабрланувчи ёки сұғурта қилдирувчининг (сұғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш ҳолларида) электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) ва (ёки) кўрсатилган телефон рақамига SMS-хабар орқали маълумот юбориши керак.

28. Тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва қабул қилинган санаси тўғрисида электрон маълумотнома ариза берувчига, у кўрсатган электрон почта манзилига (агар мавжуд бўлса) юборилади ва (ёки) сұғурталовчининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсидаги ариза берувчининг шахсий кабинетида кўрсатилади.

VII. Сұғурта суммаси, сұғурта мукофоти, сұғурта тўлови



**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик
жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича Е-
полисни (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш
шартлари юзасидан**

5-бет 5 бетдан
31.07.2023й.

ва (ёки) товони миқдори

29. ТВЭФЖМСҚ бўйича сугурта суммаси 40 000 000 (кирқ миллион) сўмни ташкил этади.
Шундан:

- жабрланувчининг мол-мулкига зарап етказилганда сугурта тўлови сугурта суммасининг 35 фоизи – 14 000 000 (ўн тўрт миллион) сўм;
- жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарап етказилганда сугурта товонининг миқдори сугурта пулининг 65 фоизи - 26 000 000 (йигирма олти миллион) сўм.

30. Сугурта килдирувчи томонидан ТВЭФЖМСҚ бўйича тўланадиган сугурта мукофоти миқдори 1 (бир)* йил муддат учун қўйидаги кўринишда:

ТВ тури	Худуд			
	Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти**		Бошка вилоятлар**	
	Чекланган *** (сўмда)	Чекланмаган **** (сўмда)	Чекланган *** (сўмда)	Чекланмаган **** (сўмда)
Енгил	56 000	168 000	40 000	120 000
Юк	67 200	201 600	48 000	144 000
Автобуслар ва микроавтобуслар	67 200	201 600	48 000	144 000
Трамвайлар, мотоцикllар ва мотороллёрлар, тракторлар, ўзиюрар йўл-курилиш машиналари ва бошқа машиналар	22 400	67 200	16 000	48 000

* Электрон аризада сугурта муддати б ой ёки рўйхатдан ўтказни жойигача катакчаларини танланганда сугурта мукофоти жадвалда кўрсатилган суммадан камроқ миқдорда электрон аризани тўлдириши жараёнида сугурта қилдирувчига маълум қилинади.

**ТВ рўйхатдан утган ҳудуд.

*** TVдан ҳайдовчилар сони чекланган ҳолда фойдаланиши шарти билан расмийлаштирилганда.

**** TVдан ҳайдовчилар сони чекланмаган ҳолда фойдаланиши шарти билан расмийлаштирилганда.

31. Сугурта килдирувчи томонидан тўланиши лозим бўлган сугурта мукофотининг миқдори Е-полисни расмийлаштириш тўғрисидаги электрон аризага киритилган маълумотларга мувофиқ, шунингдек сийлов хукукини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

VIII. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш шартлари

32. Сугурта килдирувчи Е-полисни расмийлаштириш тўғрисидаги электрон аризага маълумотларни киритиши билан Е-полисни амалга ошириш учун ўзининг шахсига доир маълумотларни қайта ишлашга (йиғиш, ёзиш, тизимлаш, саклаш, фойдаланиш ва бекор қилиш) розилик берган деб хисобланади.

33. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш Суфурталовчи томонидан сугурта шартномаси бўйича мажбуриятларини амалга ошириш мақсадида “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги 2019 йил 2 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

IX. Яқунловчи қоидалар

34. Ушбу офертанинг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар. 35. Ушбу офертада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича тарафлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда, тарафлар келишмовчиликни судгача ҳал этиш чораларини кўриши лозим.

36 Низони судгача ҳал этиш имкони бўлмаса, улар сугурталовчи жойлашган ердаги тегишли судда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига асосан ҳал этилади.

37. Ушбу офертада назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича вужудга келган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади